СЎЗ ЯСАЛИШИ ЛЕКСИКОГРАФИЯНИНГ МУҲИМ ОБЪЕКТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА (НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Гулҳаё Зарипова
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
gulhayo_zaripova@mail.ru

Дилобар Абдухалилова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
dilobar.abdukhalilova@mail.ru

Мохирахон Усмонходжаева
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
moxira1929@gmail.com

Зайниддин Санакулов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
z.sanakulov@cspi.uz

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола немис ва ўзбек тиллари сўз ясалиши бўлимига бағишланган бўлиб, унда мазкур тилларнинг сўз ясалиши тизимининг бошва фанлар, жумладан, лексикография билан алоқаси ҳақида сўз юритилади ҳамда улар немис ва ўзбек тиллари мисолида қиёсан таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: сўз ясалиши, лексикография, сўз яратиш/ўйлаб топиш, лексема, ўзлашма сўзлар.

WORD FORMATION AS ONE OF THE MOST IMPORTANT OBJECTS OF LEXICOGRAPHY (ON EXAMPLE OF GERMAN AND UZBEK LANGUAGES)

Gulhayo Zaripova
Uzbekistan State World Languages University
gulhayo_zaripova@mail.ru

Dilobar Abdukhalilova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
dilobar.abdukhalilova@mail.ru

Mohirahon Usmonhodjaeva
Tashkent State Pedagogical University named after Nizami
moxira1929@gmail.com

Zayniddin Sanakulov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
z.sanakulov@cspi.uz

ABSTRACT

This article is devoted to the section on word formation in German and Uzbek, which deals with the relationship of the word formation system of these languages with other disciplines, including lexicography, and compares them with the example of German and Uzbek languages.

Keywords: word formation, lexicography, lexicology, lexeme, borrowed words.

КИРИШ

Агар луғат деганда немис тили сўз бойлиги ҳақида гап борса, унда ҳозирги кунда фойдаланиш учун ихтиёримизда турган барча узуал (лексек қатламга кирган) лексик бирликлар мажмуаси тушунилади. Уларнинг катта қисми одатий луғатлардан ўрин олган бўлади.

Лексикография ва дериватология ўзаро узвий алоқададир, чунки янги ясалмалар луғат таркибига қўшилиб боради ва ўз ўрнида луғат ҳам бу жараёнда ўз таъсирига эга. Янги ясамаларни истеъмолга кира олишида шундай бир тўсиқ пайдо бўлиши мумкинки, у янги ясама сўзларни лексикаллашуви жараёнига қарши мисоли фильтр вазифасини ўтайди. Сўз ясалиш орқали янги атама/сўзларни пайдо бўлишида сўзловчилар томонидан мавжуд тушунчаларга янги атамаларни қўшилиши принципи устунлик қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Лексемалар ҳосил бўлишининг бошқа йўллари саналмиш Wortschörfung – сўз яратиш/ўйлаб топиш, Entlehnung –ўзлашма сўзлар, Bedeutungsbildung – маъно кўчиши ва Phraseologisierung –фразеологизмлар дериватология билан қандайдир миқёсда ўзаро алоқада бўлади. Сўз ясалиши ва маъно кўчиши, мисол учун, метафорик композита саналмиш *Reisverschlusssystem* ‚abwechselndes Einordnen von Fahrzeugen aus zwei Richtungen oder Fahrspuren, die in einer einzigen Spur weiterfahren müssen‘ (икки йўналиш ёки ҳаракат йўлаги(чизиғи)даги транспорт воситаларининг ўзгарувчан тартиби, улар ёлғиз йўлакдан ҳаракатланиши талаб этилади) лексемаси билан ўзаро боғланган. Чунки биринчи компонент *«Reisverschluss -(кийим-кечаклардаги) замок»*да композитада метофорик маъно юкланмоқда, у якка қўлланганда бундай маънога эга бўлмайди.

Инглиз тилидан немис тилига кириб келган аббревиатуралар (*Aids-ОИТС, Sars-САРС вируси*) икки хил интерпретация қилиниши мумкин: ўзлашма сўз ёки қисқартма сўз сифатида. Нюблинг/Дуке (2007, 228) ушбу бирликларнинг «ясалиш асоси ва қисқартирилган шаклининг мавжудлиги»га таяниб, уларни, шубҳасиз, ўзлашма эмаслиги ва аббревиатурага киритилиши жоизлигини таъкидлайди. Муаллиф бу борадиги фикрлари асосли эканлигини инкор қилиб бўлмайди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Сўз ясалиши ва сўз яратиш/ўйлаб топиш (Wortschörfung).

Паул (1880/1995) ва Вилманнс (1899, 1) давридан бошлаб сўз яратиш сўз ясалишидан аниқ фарқланади. Бу ҳодиса Паул томонидан «Urschöpfung» деб аталган. Агар корхона ва маҳсулот-товар номлари ҳам ясалиш жараёнига қўшсак, уларни чегараловчи аниқ хулосалар анча мужмаллашади.

Биламизки, ясама сўзлар мавжуд тил материалларидан ҳосил қилинади. Бу жараёнда сўз-негиз, аффикс ва конфикслар маълум қоидаларга кўра ўзаро бирикишади: *Alters|armut, entziffer|bar, ab|fragen.*

Сўз яратилишида лексемалар тилда лексик маънога эга бўлмаган бирликлардан, яъни товушлар мажмуасидан «яратилади». Бу каби янги лексик бирликлар ихтиро-сўзлар ёки сунъий сўзлар деб ҳам номланади. Немис тилшуносларининг фикрларига кўра, ҳозирда замонавий тилларда бу каби янги «тил материаллари», умуман олганда, ортиқ яратилмаяпти. «Сўз яратилиши борган сари» камайиб бормоқда, аммо «бутунлай тўхтаб қолгани йўқ».

Қадимги немис тили сўнгги даврларига тегишли бўлган, товуш ва ҳаракатга тақлид атамалари, асосан, тақлидий ясамалар (*bimmeln-жарангламоқ, poltern-гулдурамоқ, гурсулламоқ, plumpsen-шалоблатмоқ/шалб-шулб қилиб юрмоқ* ва б.) сўз яратишига мисол бўла олади. Ушбу феъллардан баъзилари тақлидий ундов сўзлардан келиб чиққан бўлиши мумкин (*plumps-шалоп/шулуп →plumpsen- шалоблатмоқ/шалб-шулб қилиб юрмоқ*).

Янги, асосан, окказионал бўлиб қолаётган тақлид сўзлар ҳозирда, биринчи навбатда, ҳажвий расмлар-комиксларда, расмли ҳикояларда учрайди. Чизиб бўлмайдиган товушларни тилга солиш мақсадида махсус оғиздан чиқаётган ҳаво пуфакчалари шакли ичига товушларни ифодаловчи ҳарф бирикмалари ундов шаклида ёзиб қўйилади. Уларнинг маъноси фақат ўша муайян чизма доирасидагина намоён бўлади: *aaoww, ock, aga, arf-arf, arrgh, arrh, arx, bang, bäsch, krak, krok, krrk, kruiik*. Агар бу каби чизмалар «лисоний белги» статусига эга деб топилса, улар, сўзсиз, сўз яратилиши ҳосиласи бўла олади.

Техника, шу билан бирга, интернет тараққий этган бир пайтда маҳфий сўз/код ёки пароль кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолган. Флайшер/Барцнинг (2012, 20) фикрига кўра, бу каби бирликларни сўз яратилишига қўша олмаймиз. Улар узуал сўзлардан, шунингдек, лексик маънога эга бўлмаган сон ёки ҳарфлар аралашмасидан таркиб топиши мумкин. Улар оғзаки нутқда қўлланилмайди, бошқача айтганда, улар инсонлар ўртасидаги коммуникация вазифасини бажармайди.

Сўз ясалишининг интердисциплинар фан соҳаси сифатида грамматика, лексикология ва лексикография билан узвий алоқада эканлиги инкор этиб бўлмас фактдир. Унинг луғатшунослик билан боғлиқлиги, албатта, тилнинг луғат бойлиги орқали ёритилади. Сўз ясалишининг асосий мақсади – қандай йўл билан бўлмасин, янги сўз ҳосил қилиш саналса, ушбу ясалмаларни лексик бирликка айланишида лексикографиянинг аҳамияти ўлкан. Бу факт ҳақида юқорида сўз юритган эдик. Ўзбек тилшунослигида ҳам «сўз ясаш йўллари» деган тушунча мавжуд. Буни «сўз ясаш усуллар» билан чалкаштирмаслик мақсадга мувофиқ. Сўз ясаш йўллари, бошқача айтганда, луғат составининг бойиш йўллари «... ҳар хил: бошқа тиллардан сўз олиш, сўз ясаш ... , айрим

грамматик категорияларнинг лексикализацияси[1] ..., сўз комплексларининг ажралмас, семантик бир бутун ҳолга келиб, бир сўзнинг хусусиятларини эслатувчи сўзга тенг бирлик ҳосил қилиши: фразеологик характердаги бирликлар ...», шунингдек, «соддалашиш – муайян сўз ясаш қолипининг ҳосиласида ёки сўзнинг маълум бир шаклида ўзак билан қўшимчанинг ўзаро бирикиб, шаклан ажралмас бутунликка ўтиши ва шунга мувофиқ янги маъно ифодаланиши (мас: *бирдан, бугун, афтидан)* ..., яхлитланиш (идеоматизация) – тарихан ясама бўлган лексема маъносининг сўз ясаш (ёки форма ясаш) қолипи маъносидан узилиши, узоқлашаши, ихтисослашиши (мас: *ўхшаш, қараш, йўналиш, жўналиш*)..., атамалашиш (терминлашиш, терминологизация) – нутқий ҳосилаларга маълум бир соҳа нуқтаи назаридан таъриф берилиб, уларнинг маъносининг ихтисослашиши ...» тушунилади. Сўз ясаш йўллари ўртасида хусусийлик (фарқли жиҳат) ва умумийлик (ўхшаш жиҳат) мавжудлиги систем тилшуносликда таъкидланади. Умумийлик бу– улар воситасида янги сўзлар ясалади, хусусийлик эса ўша янги сўзнинг ясалиш тарзиниинг ўзгачалигидадир, уларни ёритишнинг самарали йўли қиёсий таҳлилдир.

Немис ва ўзбек тиллари луғат составининг бойиши йўллари ўзаро чоғиштирилганда сўз ўзлаштириш, маъно кўчиши, фразеологизмлар умумийликни ташкил этса, сўз яратиш немис тилигагина хосдир. Чунки ўзбек тилшунослигида бу каби лисоний ҳодиса ўрганилиши адабиётларда учрамайди. Юқорида тилга олинганидек, немис тилида сўз яратиш учун тақлид ва ундов сўзлар асос бўлади, чунки улар, аслида, тарихан тилда мавжуд бўлмаган бирликлар саналишган. Ўзбек тилшунослигида тақлид ва ундов сўзлар лексик маънога эга бўлмаганлиги сабабли ёрдамчи сўзлар саналади. Худди немис тилидагидек, ўзбек тилида ҳам ундов ва тақлидлар сўз ясашга асос бўлиши мумкин: *лик|илдоқ, дод|ламоқ, шивир|ламоқ, қулт|улламоқ, ярқ|ирамоқ* ва шу к.

Сўз ясалиши ва ўзлашма сўзлар. Немис тилининг нафақат ўз қатламига, балки ўзлашма қатламига мансуб содда ва мураккаб лексемалар луғат бойлиги таркибига киритилади. Шунингдек, улар сўз ясашга бир хил миқёсда асос бўлади. Улар ўзаро, шу билан бирга, ўзлашма ва соф аффикслар билан бирикиб янги сўзлар ҳосил қилади. Соф ёки ўзлашма бирликлар билан композицияда ҳеч қандай чекловлар бўлмаган бир вақтда, деривацияда аффикснарнинг қайси гуруҳи билан бирика олишда аниқ чекловлар мавжуд. Бунда деривацион асоснинг келиб чиқиши муҳим ҳисобланади. Ўзлашма сўзлар ва дериватология ўртасида бошқа миқёсда ҳам боғлиқликлар кўзга ташланади. Ҳозирги кунда ўзлашмаларнинг сўз ясалишидаги аниқ таъсири инглиз тилидан кириб

[1] Ушбу лисоний ҳодиса «лексемалашиш» деб ҳам аталади

келаётган бирликларда кўзга ташланади. Бундан ташқари, немис тилидаги ўзлашма сўзларнинг давомий мавжудлиги ўз қатлам моделлари қурилиши учун стимул сифатида маълум структуравий-семантик миқёсларда ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Мисол сифатида инглиз тилидан кирган *Boom, Job, Talk* каби отлар ва уларнинг феъллари *boomen, jobben* ва б. ўз қатлам феълларидан конверсия орқали отлар ясалишини унумли лисоний ҳодисага айланишига туртки бўлмоқда. Кейинги вақтларда одатий бирликка айланган *Dreh, Schwenk, Treff; Autoklau* ва *Datenklau* сўзларидаги *Klau* сўзлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбек тили сўз ясаш йўллари ичида энг асосийларидан бири ҳисбланмиш ўзлашма сўзлар, яъни бошқа тиллардан сўз олиш –тилнинг ижтимоий ҳодисалигидан далолат беради, уни бошқа тиллар билан алоқаси натижасида бойиши, тараққий этишиини кўрсатади. Тарихий жиҳатдан ўзбек тили лексекасининг таркиби қуйидаги қатламларга бўлинади: а) умумтуркий сўзлар; б) ўзбекча сўзлар; в) форсча-тожикча сўзлар; г) арабча сўзлар; д) рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзлар. Тожик тилидан, нафақат сўзлар, балки *бе-, ба-, -дош, -каш, -корона, -парвар, -хўр, хуш-* каби морфологик элементлар ҳам ўзлаштирилган. Шу нарса аҳамиятлики, ушбу аффикслар ҳозирда соф ўзбекча бирликлар билан бирикиб, янги лексемалар ясашда иштирок этмоқда. Жумладан, *кам, ҳам, хуш* каби ўзлашма бирликлар борасида А. Ҳожиев (2007, 14-15) сўз юритиб, улар ёрдамида ясалган усулни композиция (сўз қўшиш) усули деб бўлмаслигини таъкидлайди (*кам|унум, кам|ҳосил, ҳам|курс, хуш|бичим, ҳам|юрт, кам|чиқим).* Демак, худди юқорида таърифлаганимиздек, немис тилида ҳозирда инглиз тилидан ўзлашган сўзлар таъсирида сўз ясалиши тизимида содир бўлаётган структуравий-семантик ўзгаришлар ўзбек тилида тожик тили таъсирида содир бўлган, десак адашмаймиз. Чунки ўзбек тилида префикслар айнан тожик тилидан кириб келган ва натижада сўз ясалишининг префиксация кўринишдаги усули пайдо бўлган. Бу каби ўзлашма сўз ясовчи қўшимчалар сони араб тилидан кирган *–ан (шахсан), -ий (ҳаётий), -вий (оилавий)* лар билан янада бойиган. Демак, ҳар икки тилда ҳам ўзлашмалар нафақат сўз, балки аффикслар кўринишида ҳам мавжуд ва улар замонавий ўзбек ва немис тиллари сўз ясалишида ўз ўрнига эга.

Сўз ясалиши ва маъно ўзгариши/кўчиши.

Немис тилшунослигида маъно ўзгариши («Bedeutungsveränderung», (Bedeutungswandel деб ҳам аталади) деганда «тил амалиётида янги маънонинг» пайдо бўлиши, яъни тузилиш (формаль) жиҳатдан ўзгаришларсиз бирор узуал лексеманинг семантик ўзгариши тушунилади. Мисол учун, *Netz (уя, ин)* сўзи 1990-йиллар ўрталаридан бери инглиз тили таъсири остида *Internet (интернет)*

маъносини ҳам англатмоқда ва ушбу маънода сўз ясалишида иштирок этмоқда: *Netz|adresse, Netz|betreiber, Netz|zugang, Daten|netz.* Шу тарзда туб ва ясама сўзларда ҳам янги маънолар (аниқроғи, маъно вариантлари) юзага келади. Айниқса, феъллар бунга мойил. Бу каби маъно ўзгариши сўз ясалишининг тадқиқот объекти ҳисобланмайди, чунки улар сўз ясалишининг натижаси эмас, балки ундан даврий тафовутда ҳосил бўлган. Мана шу нуқтаи назарда сўз ясалиши ва сўз маъно ўзгариши луғат составининг бойитишида фарқли хусусиятга эга бўлади, яъни улар турли тарзда луғатни бойитади. Улар ўртасидаги навбатдаги алоқадорлик ҳақида тўхталиш лозим. Немис тилида метафорик ва метонимик маъно кўчиши «сўз-контекст (Wortkontext)»га («Mikrokontext» деб ҳам аталади) боғлиқ ҳисобланади. Шу исмли немис лингвисти буни *–telefon* сўзининг метонимик маъноси – *телефон хизматини амалга оширувчи муассаса* – мисолида ёритиб беради ва *Gesundheitstelefon, Grammatiktelefon* каби композиталарни тилга олади. Шу каби контекстуал маънолардан мустақил маъно англатувчи бирликлар пайдо бўлиши мумкин: *Tochter –қиз (фарзанд)* сўзидан «бирор фирма ёки корхона шуъбаси/филиали» маъноси ўсиб чиққан: *Tochterfirma-шуъба корхонаси, Tochtergesellschaft-шуъба жамияти/ташкилоти.*

Немис тилшунослигида маъно ўзгариши сўз ясалиши усулларига киритилмаган бир вақтда, у ўзбек тилининг мазкур соҳага оид адабиётларида лексик-семантик усул, семантик усул, семантик ёки лексик-семантик усул дея аталиб, сўз ясаш усулларидан бири сифатида қайд этилган. Бунда мавжуд сўз маъносининг ўзгариши, маънонинг кўчиши орқали янги маъноли сўзнинг юзага келиши тушунилади. Бу усул ёрдамида лексемалар ҳосил қилиш тарихий тараққиёт жараёнида тилдаги айрим маънолар орасидаги боғланишларнинг йўқолиши, сўзнинг баъзи шаклларида янги лексик маънонинг пайдо бўлиши каби лисоний ҳодисалар билан боғлиқ. Бу каби ҳодиса юзага келиши тилнинг кўп йиллар давомида ривожланиши, тараққий этишини тақозо этади. Мисол тариқасида, *улоқ* (эчкининг боласи) -*улоқ* (спорт мусобақаси, кўпкари), *кўк* (ранг) - *кўк* (осмон) *кўк* (резавор), *кўк* (тикишнинг бир тури), *юпқа* (қалин эмас) (*юпқа қогоз* -сифат)- *юпқа* -овқатнинг номи (от); *кун* (сутканинг бир қисми)- *кун* (қуёш, планета).

ХУЛОСА

Лексикологик манбаларда «Сўз маъноларининг ривожи», «Сўз маъноларининг ўзгарувчанлиги», «Сўз маънолари ўртасидаги муносабатлар» сарлавҳалари остида лексемаларнинг семантик ўзгаришлари ёритилган. Бунда маънонинг кенгайиши ва торайиши тўғрисида тўхталиш мумкин. Биринчи

ҳолатда, вақт ўтиши билан тилдаги баъзи лексемалар дастлабки англатган маъноларидан ташқари, яна бошқа янги маъноларни ифодалай бошлайди. Масалан, *ватан* сўзи дастлаб бировнинг мулки, уйи маъносини ифодалаган. Кейинчалик, у сўз дастлабки маъноси билан бир қаторда, туғилиб ўсган макон, мамлакат, Она юрт, яъни Ўзбекистон маъноларини ҳам билдира бошлайди. Иккинчи ҳолатда, аксинча, ўша дастлабки маънода торайиш кузатилади. С. Муталлибов бунга қуйидаги мисолни келтиради: «Кийик сўзи XI асрда Маҳмуд Қошғарий изоҳига кўра ҳар бир ваҳший ҳайвонга нисбатан ҳам қўлланган. Сўнг уларнинг бир хилигагина: **оҳу**га хосланиб қолган. Бу мисолда сўз маъноси тўлиқ равишда торайгандир». Булардан ташқари, маъно кўчишининг метафора, метонимия ва синекдоха (функционал ҳам) каби турлари ҳам лексикологияда фарқланади. Кўриниб турибдики, ўзбек тилида маъно кўчиши ёки ўзгаришининг салмоғи анча юқори ва хилма-хилдир. Бу эса нафақат луғат составини бойитади, балки оғзаки ва ёзма нутқни янада кўркамлаштиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Муродқосимов, А., Рахманова, Д., Санакулов, З., & Зарипова, Г. (2020). Немис ва ўзбек тилларида сўз ясаш усуллари (композицион усул мисолида). *Academic Research in Educational Sciences*, 1(2), 241-248.
2. Санакулов, З. И. (2019). Using of Fiction in Teaching Foreign Languages as a Factor for Formation of Reproductive Competence. *Иностранные языки в Узбекистане*, (2), 77-83.
3. Abdukhalilova, D. (2019). The formation of double words and their place in linguistics. *Proceedings of the scientific-practical conference "Young philology of Uzbekistan - 2019". Tashkent, National University of Uzbekistan.* 172-173.
4. Makhmudov, K., Shorakhmetov, S., & Murodkosimov, A. (2020). Computer Literacy is a Tool to the System of Innovative Cluster of Pedagogical Education. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *8*(5).
5. Sanakulov, Z. I. (2020). Interpretation of compound words as lemmas (on the example of german-uzbek dictionaries). *ACTA NamSU*, (8), 251-256.
6. Sanakulov, Z. (2020). Comparative analysis of the linguistic phenomenon "productivity-unproductivity" in word formation in German and Uzbek languages. *Ilm-sarchashmalari*, (7), 132-134.
7. Abdukhalilova, D. (2019). Morphological features of double words in German. *SCIENTIFIC DISCUSSION: PROBLEM SOLVING AND ACHIEVEMENT. PROCEEDINGS OF THE REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE.* 117-118.

8. Usmonxodjayeva, M. A. (2020). Teacher's Skill in Teaching Military Terms and Their Translation Tips. *International Journal of Research*, 07(01), 45-53.
9. Махмудов, Қ. Ш., Санакулов, З. И., Шайхисломов, Н. З., & Қаршиева, Д. Э. (2020). Педагогик таълимда "Кластер". *Science and Education*, 1(7), 587-593.
10. Usmonhodjaeva, M. A., & Shirnazarova, Z. A. (2020). QUESTIONS FROM FOREIGN LANGUAGE TEACHING IN EDUCATIONAL BODIES. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)*, *6*(6), 448-451.
11. Zayniddin Ibodullaevich Sanakulov (2020). THE MEANING OF WORD FORMATION IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES (IN COMPARATIVE ASPECT). Science and Education, 1 (Special Issue 1), 179-186.
12. Dilbar Eshpulatovna Karshiyeva (2020). SPIRITUALITY AND FAMILY STRENGTH OF MILITARY WORKERS. *Science and Education*, 1 (Special Issue 1), 207-217.
13. Sanakulov, Z. (2020). Typology of Dictionaries: on the Example of Dictionaries Created with the Participation of German and Uzbek Languages. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(7), 134-143.
14. Sanakulov, Z. (2020). The System of Word Formation in Modern German and Uzbek Languages and its Comparative Analysis. *Ученый XXI века*, 5(2), 61-65.
15. Abdukhalilova, D. (2020*).* Semantic properties of pairs of words. The Journal of National University. 48-50.
16. Abdukhalilova, D. (2020*). Semantic features of double words in German and Uzbek languages. International scientific-practical conference on modern problems and prospects of learning foreign languages in the education system, Bukhara.* 155-158.
17. Sanakulov, Z. (2020). Linguistic Classification of Word-Forming Units in German and Uzbek: in the Confrontational Aspect. *ACTA NUUz*, 1(4), 81-86.
18. Sanakulov, Z. (2020). Lexicographic Aspects of the Word Formation System of German and Uzbek Languages. *International journal of Word Art*, (3), 142-151.
19. Sanakulov, Z. (2020). Comparison of German and Uzbek word formation methods (on the example of abbreviations). *UzACADEMIA SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 1(1), 45-50.
20. Abdukhalilova, D. (2020*).* The study of double words in linguistics. *"Current problems of linguistics and translation studies in the XXI century: theory, practice, innovation" Scientific-practical online conference at the level of higher education institutions under the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan.*75-78.
21. Juraboyev, B. B. (2020). NEMIS TILINI O'QITISHDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV. *Science and Education*, *1*(7), 215-220.

22. Abdukhalilova, D. (2020*).* Morphological features of double words in German and Uzbek languages. *"Current issues of foreign philology and linguodidactics" Karshi State University*. 111-113.

REFERENCES

1. Муродқосимов, А., Рахманова, Д., Санакулов, З., & Зарипова, Г. (2020). Немис ва ўзбек тилларида сўз ясаш усуллари (композицион усул мисолида). *Academic Research in Educational Sciences*, 1(2), 241-248.
2. Санакулов, З. И. (2019). Using of Fiction in Teaching Foreign Languages as a Factor for Formation of Reproductive Competence. *Иностранные языки в Узбекистане*, (2), 77-83.
3. Abdukhalilova, D. (2019). The formation of double words and their place in linguistics. *Proceedings of the scientific-practical conference "Young philology of Uzbekistan - 2019". Tashkent, National University of Uzbekistan.* 172-173.
4. Makhmudov, K., Shorakhmetov, S., & Murodkosimov, A. (2020). Computer Literacy is a Tool to the System of Innovative Cluster of Pedagogical Education. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *8*(5).
5. Sanakulov, Z. I. (2020). Interpretation of compound words as lemmas (on the example of german-uzbek dictionaries). *ACTA NamSU*, (8), 251-256.
6. Sanakulov, Z. (2020). Comparative analysis of the linguistic phenomenon "productivity-unproductivity" in word formation in German and Uzbek languages. *Ilm-sarchashmalari*, (7), 132-134.
7. Abdukhalilova, D. (2019). Morphological features of double words in German. *SCIENTIFIC DISCUSSION: PROBLEM SOLVING AND ACHIEVEMENT. PROCEEDINGS OF THE REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE*. 117-118.
8. Usmonxodjayeva, M. A. (2020). Teacher's Skill in Teaching Military Terms and Their Translation Tips. *International Journal of Research*, 07(01), 45-53.
9. Махмудов, Қ. Ш., Санакулов, З. И., Шайхисломов, Н. З., & Қаршиева, Д. Э. (2020). Педагогик таълимда "Кластер". *Science and Education*, 1(7), 587-593.
10. Usmonhodjaeva, M. A., & Shirnazarova, Z. A. (2020). QUESTIONS FROM FOREIGN LANGUAGE TEACHING IN EDUCATIONAL BODIES. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)*, *6*(6), 448-451.
11. Zayniddin Ibodullaevich Sanakulov (2020). THE MEANING OF WORD FORMATION IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES (IN COMPARATIVE ASPECT). Science and Education, 1 (Special Issue 1), 179-186.

12. Dilbar Eshpulatovna Karshiyeva (2020). SPIRITUALITY AND FAMILY STRENGTH OF MILITARY WORKERS. *Science and Education*, 1 (Special Issue 1), 207-217.
13. Sanakulov, Z. (2020). Typology of Dictionaries: on the Example of Dictionaries Created with the Participation of German and Uzbek Languages. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(7), 134-143.
14. Sanakulov, Z. (2020). The System of Word Formation in Modern German and Uzbek Languages and its Comparative Analysis. *Ученый XXI века*, 5(2), 61-65.
15. Abdukhalilova, D. (2020*).* Semantic properties of pairs of words. The Journal of National University. 48-50.
16. Abdukhalilova, D. (2020*). Semantic features of double words in German and Uzbek languages. International scientific-practical conference on modern problems and prospects of learning foreign languages in the education system, Bukhara.* 155-158.
17. Sanakulov, Z. (2020). Linguistic Classification of Word-Forming Units in German and Uzbek: in the Confrontational Aspect. *ACTA NUUz,* 1(4), 81-86.
18. Sanakulov, Z. (2020). Lexicographic Aspects of the Word Formation System of German and Uzbek Languages. *International journal of Word Art,* (3), 142-151.
19. Sanakulov, Z. (2020). Comparison of German and Uzbek word formation methods (on the example of abbreviations). *UzACADEMIA SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 1(1), 45-50.
20. Abdukhalilova, D. (2020*).* The study of double words in linguistics. *"Current problems of linguistics and translation studies in the XXI century: theory, practice, innovation" Scientific-practical online conference at the level of higher education institutions under the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan.*75-78.
21. Juraboyev, B. B. (2020). NEMIS TILINI O‘QITISHDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV. *Science and Education*, *1*(7), 215-220.
22. Abdukhalilova, D. (2020*).* Morphological features of double words in German and Uzbek languages. *"Current issues of foreign philology and linguodidactics" Karshi State University.* 111-113.